

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2015 йил 29 май • № 21 (1042)

ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДИ

Биламизки, бутун дунёда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куну сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида болалар учун байрам шодиёналари, дам олиш тадбирлари бўлиб ўтади. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, ўз келажаги давомчиларининг бугуну ва эртаси хусусида қайғурмаса. Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинганлиги шарофати билан Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига ҳамда халқаро ташкилотлар фаолиятининг иштирокчисига айланди.

Бу эзгу анъана истиқлол туфайли янада кенг қулоқ ёйди ва давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Натижада бугун юртимизда бола ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиги ҳақида қайғуриш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини кафолатлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир боланинг жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик руҳида тарбиялаш, миллий анъана ҳамда қадриятларимиз, жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш, илмий ва бадий ижодкорлигини ривожлантириш, бу борада давлат органлари ҳамда ННТ ҳамкорлигини кучайтириш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар камайишига эришиш долзарб масалага айланди.

Истиқлол йилларида дав-

латимиз инсон ҳуқуқлари, хусусан бола ҳуқуқларига оид кўплаб халқаро битимларни имзолади. Жумладан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция, «Болаларни омон асраш, ҳимоя қилиш ва камол топтиришни таъминлаш тўғрисида»ги умумжаҳон декларацияси, «Болаларни бошқа мамлакатга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисида»ги Гаага конвенциясининг ратификация қилинган юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ёрқин далилидир. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 25-моддасида «Оналик ва болалик алоҳида гамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар никоҳда ва никоҳсиз туғилганлигидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак» дея таъкидланган. Шунингдек, БМТнинг «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро пактида «Барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар, алоҳида ҳимоя чоралари



Соғлом авлод келажаги

ва ёрдам кўрсатилиши шарт»лиги мустаҳкамланган. Конституциямизнинг 64-моддасига кўра, «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим ва ота-онасининг вазирлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради» дейилган. Ўзбекистон Респуб-

ликсининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқий кафолатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қонунга хилоф

қарорлари, мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Бо-

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор ва ғурур

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – ҲАМИША ОЛДИНДА



Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчилари Арманистон Республикасининг Ереван шаҳрида бўлиб ўтган 49-халқаро Менделеев олимпиадасида 15 та давлатдан ташриф буюрган 95 нафар тенгқурлари орасида кимё фани бўйича амалий масалаларни ечиш ва назарий билимларга эгаллик қилиш борасида юқори даражани кўрсатишди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган доимий гамхўрлик ва эътиборнинг юксак самаралари Ўзбекистон ёшларининг турли халқаро интеллектуал ва спорт мусобақаларида, фан олимпиадаларида эришаётган улкан ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

Мана, бир неча йилдирки, ушбу ўқув масканида таълим олаётган ёшлар кимё фани бўйича ўтказилаётган халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этиб, ҳавас қилса арзигулик ютуқларга сазовор бўлмоқдалар.

– Фарзандларимиз орасида иқтидорли ўғил-қизлар кўп, – дейди лицей директори **Ортиқбой Эшонқулов**. – Ўқувчиларимизнинг мавжуд истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш учун таълим даргоҳида барча имкониятлар етарли. Лицей ўқувчилари замонавий лаборатория ва лингафон хоналари, интернет тармоғига уланган энг сўнгги русумли компьютер жиҳозлари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси сингари қулайликлардан унумли фойдаланмоқда. Турли фан тўғарақлари ишлаб

турибди. Ҳар бир ўқувчи илк босқичда таҳсил олаётган пайтидаёқ қизиқиш ва интилишига қараб муайян бир фан ўқитувчисига бириктирилади. Маҳоратли педагог ёрдами билан ёшларимиз илмий-тадқиқот олиб бориши, дарсдан ташқари индивидуал машғуллар ўтказиши мумкин.

Лицей ўқитувчиларининг таъкидлашича, ҳозирги ёшлар янгилик ва маълумотларни тез илғай олиш қобилиятига эга. Улар учун интернет ёрдамида

(Давоми 8-бетда).

ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДИ

лани билим ва касб-хунара эгаллашга йўналтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туб мазмун-моҳиятига кўра, навқирон авлод вакиллари чўқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишни таъминлашдек эзгу мақсадга қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида шундай дейилади: «Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга. Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек, ўрта-махсус касб-хунара таълими олишини кафолатлайди». Юртимизда «Соғлом она – соғлом бола» Миллий дастурининг амалга киритилиши бугун ўзини тамомла оқламоқда. Хусусан, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳамда болаларни ижтимоий-тиббий муҳофаза қилишга қаратилган фармон ва қарорлари жойларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, «Орта-бошимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорларининг бош мақсади оила-

ни мустаҳкамлаш, халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган. Президентимиз томонидан болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатларда аввало, соғлом насл, «Соғлом она ва бола» дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини кучайтириш назарда тутилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги қарори асосида болаларни ёзги мавсумда соғломлаштиришга оид ишларни тизимли равишда ташкил этиш бўйича доимий фаолият юритувчи республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи ташкил этилгани мазкур йўналишдаги ишлар самардорлигини янада ошириш имконини бермоқда. Унинг таркибида ташкил этилган ишчи гуруҳлари ва ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар аъзолари ҳар бир ҳудудда мавсумнинг намунали ва ушқоқлик билан ўтказилиши юзасидан ўз фаолиятини бошлади.

2015 йилги мавсумга ҳар йил-

гидан ҳам кўра пухта тайёргарлик кўрилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси»га мувофиқ ташкил этилаётгани натижасида болаларни соғломлаштиришга оид ишларни янада такомиллаштириш, ихтисослаштирилган оромгоҳлар кўламини кенгайтириш, улар фаолиятини мазмунан бойитиш имкони яратилди. Тизимли ишлар натижасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга фақат ёз мавсумида эмас, балки йил давомида тайёргарлик кўрилиб, барча ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришилмоқда. Натижада йилдан-йилга соғломлаштириш ишларининг сифати яхшиланиб бормоқда. 2012 йилда 252 мингдан ортиқ ўғил-қиз дам олдирилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 287 мингга ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоевнинг ЎЗА муҳбирига берган маълумотига кўра, ёзги соғломлаштириш мавсуми 1 июнь – Халқаро болаларни химоя қилиш кунидан бошланади. Бу йилги мавсумда жами 1 минг 149 та оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилади. Шундан 213 таси стационар, 795 таси кундузги ва 141 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир. Мавсум давомида 287 минг 171 болани соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг 151 мингдан ортиғи ста-



ционар оромгоҳга, 135 мингдан кўпроғи эса кундузги оромгоҳга жалб этилади. Ушбу мақсад учун жами 39 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Жорий йилда ижтимоий химояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, давлатимиз гамхўрлиги остида Оролбўйи минтақасидан 4,5 минг бола – Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг, Хоразм вилоятидан 1 минг 500 ўғил-қиз Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги

сўлим ва баҳаво оромгоҳларда бепул дам олади.

Улар учун маънавий-маърифий, соғломлаштирувчи тадбирлар ўтказилади.

Жумладан, жорий йил ёзги мавсум давомида болалар оромгоҳларида тубдан янгиланган дастурлар асосида тарбиявий ишларни олиб бориш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, фидойилик руҳида тарбиялашга оид маданий-маърифий тадбирлар, акцияларни ўтказиш кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, болалар манфаатларини тўлиқ таъминлаш ва соғлом авлодни шакллантириш билан боғлиқ ишлар кўламини кенгайтириш ҳамда самардорлигини таъминлаш аниқ белгиланган режаларни тақозо этади. Шундагина Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишларига эришамиз.

Намоз ТОЛИПОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Матбуот анжумани

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ МУҲИМ

Жорий йилнинг 25 май куни Ўзбекистон Республикаси миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда «Давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ОАВнинг роли» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Матбуот ва ахборот агентлиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари раҳбарлари, Ўзбекистон Миллий ва Ўзбекистон Давлат ҳаёт тиллари университетлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этдилар.

Тадбирда бугунги кунда содир бўлаётган воқеаларни ёритишда журналистлар зиммасидаги вазифалар ва уларнинг бажарилиши, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назорати самардорлигини оширишдаги ролини янада кучайтириш масаласига эътибор қаратилди.

Ҳозирги вақтда республикамизда оммавий ахборот воситаларининг фаолият юритишлари, уларнинг ахборот олиш ва уни тарқатишдаги эркинлигини кафолатловчи кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб турибди. Бунинг исботи сифатида ўтган 2014 йилда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонунни келтириб ўтишимиз мумкин.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар, модернизация жараёни ҳамда ўзгартирилган тўғрисидаги ахборот-

ларни аҳолига тез ва аниқ етказиб бериш билан бир қаторда, Давлат ҳокимияти органларининг иш фаолияти билан оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар орқали бохабар бўлмоқдалар. Мамлакатимизда амалда қўлланилаётган ҳар бир қонун, қарор, норматив-ҳуқуқий ҳамда қонуности ҳужжатлари аҳоли ҳуқуқ-эркинлигини ўзида ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати-



лат ташкилотларида фаолият олиб бораётган ахборот хизматлари сифатини ошириш ҳамда кадрлар салоҳиятини кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида ОАВ ходимларининг ўз устида тинимсиз ишлаб, маҳоратини оширишлари ҳамда соҳадаги мавжуд қонунчилик билан чуқур танишишлари керак.

Тадбирда мутахассислар томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар билан қатнашчиларни таништириш мақсадида қизиқарли маърузалар тақдим этилди. Радио, телевидение ҳамда босма матбуот нашрларида тақдим қилинаётган материалларнинг сифати, мавзунинг долзарблиги, танқидий материалларнинг бериб борилиши маса-

ларига ҳам алоҳида урғу қаратилди. Маърузачилар томонидан тайёрланган слайдлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда бўлажақ журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олдилар.

Дарҳақиқат, ушбу тадбирнинг ўтказилиши, республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда барча давлат ҳокимияти бошқаруви органларида фаолият олиб бориш ахборот хизматлари вакиллари учун аҳамиятли бўлди.

Ирода ИЛХОМОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Долзарб мавзу атрофида

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ МАҚСАДЛИ САРФЛАНЯПТИМИ?

Талаб, назорат ва таҳлил – доимий фаолиятдаги ҳайъатнинг бош мақсади

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар, замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар, Инвестиция дастури доирасида татбиқ этилаётган кенг қўламли ишлардан бугун халқимиз, қолаверса жамоатчилик бирдек хабардор. Айниқса, давлат бюджетидан тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган маблағлар ва уларнинг сарф-харажати, хусусан дори воситалари, тиббий асбоб-ускуналарни харид қилиш, тўғри тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кун талабига жавоб бера оладими? Бу жараёнда назорат-таҳлил тадбирлари, тартиб-таомиллари қанчалик самара беряпти? Юзага келаётган мавжуд муаммолар, йўл қўйилаётган камчиликлар қай йўсинда ўз ечимини топмоқда? Шу мазмундаги саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси бош назоратчиси Нусратилла Бердиев билан суҳбатда бўлдик.

ёрдами йўналиши бўйича олинган дори воситаларининг ҳар бир қуттида муассаса муҳри мавжудлигини текширади. **Тўртинчидан**, мурувват ёрдамидан ва бегараз техник кўмақдан мақсадли фойдаланиш жараёнини назорат қилади. **Бешинчидан**, даволаш-профилактика муассасалари ички дорихоналарининг йиллик фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлайди. **Олтинчидан**, бўлимларда миқдорий ҳисоб юритилувчи дори воситалари, тиббий ашё ва асбоб-ускуналарнинг қолдиқ миқдорий ҳисоб-китобини ҳамда улар бўйича ҳисоботнинг тўғри юритилишини текширади. **Еттинчи-**



– Назорат инспекцияси томонидан ўтказилаётган текширишлар давомида айнан дори-дармон ва тиббий буюмларга тегишли қандай қоидабузарликлар, хато ва камчиликлар аниқланмоқда?

– Албатта, саволингиз ўринли. Муваффақият бор жойда, камчилик ҳам бўлиши табиий. Доимий фаолиятдаги ҳайъат аъзолари иш бошлагандан буён кўпгина муаммолар, жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Бу янада асосли бўлиши учун айрим мисоллар билан тўлдиримиз.

Масалан, баъзи даволаш-профилактика муассасаларининг иш режасида белгиланган тадбирлар вазирликнинг 506-сонли буйруғи билан тасдиқланган доимий фаолиятдаги ҳайъати низоми асосида тузилмаган ва айрим ҳолларда бу режа тасдиқланмаганлигини кузатамиз. Бунинг оқибатида муассасаларда дори ва тиббий воситалар билан таъминлаш масаласида муаммо келиб чиқади.

Шунингдек, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг аввалги йиллардаги эҳтиёжи му-

шошилиш, болалар ва туғруқ бўлимлари инobatга олиниши керак.

Доимий фаолиятдаги ҳайъатнинг йиллик иш режасига киритилган бўлимларда текшириш ва мониторинг тадбирлари ўтказилмаган, далолатнома тузилмаган. Ўтказилган текшириш натижалари кўриб чиқилмаган ва камчиликка йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий чора кўрилмаган.

Низомда белгиланганидек, ҳайъат аъзолари томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чораклик тафтишлари ўтказилган эмас. Муассасанинг даволаш ёки тиббий кенгашларида ҳисоботлар муҳокама қилинмаган.

– **Хўш, камчиликлар аниқланди. Аммо уни бартараф этиш, зарур чоратадбирларни кўриш асосий масала ҳисобланади. Бу борада Назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан қандай ишлар олиб борилмоқда?**

– Доимий фаолиятдаги ҳайъатнинг ишлари ҳақидаги



– Нусратилла Суннатович, хабаримиз бор, шу кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассас-

кибидаги доимий ҳайъатлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинди. Бунга мувофиқ, жойларда дори воситалари, тиббий ашё ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш, тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланишни назорат

дан, даволаш-профилактика муассасаларида ҳисоб-китоб ўтказиш бўйича ҳар 10 кунда сотиб олинган дори воситалари ҳақида шифохона дорихонаси мудиридан маълумот олади, уларнинг ҳаракатини ҳисоб-китоб қилади. Яроқлилик муддати тугаган дори воситаларининг ўрнатилган тартибда ҳайъат аъзолари иштирокида йўқ қилинишини амалга оширади. **Саккизинчидан**, йилнинг ҳар бир чораги учун бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлайди ва юқори ташкилотларга топширади. **Тўққизинчидан**, дори воситалари, тиббий ашё ва асбоб-ускуналарни сотиб олишда иштирок этади. Бунда таъминотчилардан фақат республика ҳудудида қўллашга рухсат этилган ва Давлат реестрига киритилган, мувофиқлик сертификатига эга бўлган ҳаётий зарур дори воситалари рўйхати ҳамда шифохона формулярларига киритилган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг харид қилинишини назоратга олади. Шунингдек, иммунобиологик препаратлар, озуқа муҳитлар, диагностикаларни сақлаш омборхоналари, музлаткич хоналари ва музлаткичларнинг ҳолати ҳамда уларнинг транспортировкасида музлаткич занжирига риоя қилиниши устидан олиб борилаётган мониторинг ўтказилишида иштирок этади. **Унинчидан**, таъминот туридан қатъий назар, дори воситалари, тиббий ашё ва асбоб-ускуналарнинг барча тақсимотлари бош мутахассислар ва барча ҳайъат аъзолари иштирокида амалга оширилади, баённома билан расмийлаштирилади, барча ҳайъат аъзоларининг имзолари билан тасдиқланади.

Низомда келтирилган ушбу вазифалар доирасида жойларда бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Мавжуд камчиликлар аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.



саларида доимий ҳайъатлар фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган сайёр семинарлар ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад нима?

– Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халққа етказиш, уларни тиббиёт муассасаларида яратилаётган имкониятлардан боҳабар қилиш ва бунинг учун давлатимиз бюджетидан ажратилаётган маблағларни мақсадли сарфлаш, уни назорат қилиш ҳамда мунтазам равишда мониторинг юритиш масалалари муҳим устуворлик касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, туғилиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммонинг ўз вақтида олдини олиш, камчиликларни узил-кесил бартараф этиш мақсади юзага келгач, 2005 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари тар-

қилувчи доимий фаолиятдаги ҳайъат тузилиб, унинг Низоми тасдиқланди.

Доимий фаолиятдаги ҳайъат биринчи навбатда ҳаётий зарур дори воситалари, тиббий ашё ва асбоб-ускуналарга бўлган талабни, беморлар сони, касаллик турлари, даволаш-профилактика муассасаларидаги ўринлар сонини демографик ҳолат бўйича ўрганади ҳамда буюртма тузади. Зарур бўлганда соҳа бўйича етакчи мутахассисларни жалб этади. **Иккинчидан**, полипрагмазия ва политерапияга йўл қўйилмайди. Беморга бир вақтда 3 ва ундан ортиқ антибиотик тайинлаш мувофиқ деб топилганда, мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. **Учинчидан**, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихонаси, даволаш бўлимларида дори воситалари ва тиббий ашёларнинг яроқлилик муддати, сақлаш шароитлари, уларнинг сони ва умумий миқдорини, шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган ҳамда мурувват



тахассислар томонидан таҳлил қилинмай туриб тузилган ёки муассасада йиллик эҳтиёжлар умуман ҳисобланмаган. Даволаш-профилактика муассасаларида марказлашган ҳолда берилган ёки сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларга далолатнома тузмасдан қабул қилиниши ҳамда унда яроқлилик муддати, серия рақами ва мувофиқлик сертификатлари ҳақида маълумот ёзилмаганлигини кузатиш мумкин. Тақсимотлар муассаса бўлимлари фаолиятини инobatга олиб қилинмаган, натижада бўлимга берилган дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳаракатсиз сақланади ҳамда уларнинг яроқлилик муддатлари ўтиб кетмоқда. Энг муҳими, тақсимотда аввало

семинарлар тақдимот шаклида бўлиб, маърузалар савол-жавоб тарзида ўтказилмоқда. Иш жараёнида керакли бўлган ҳужжатларнинг намуналари тарқатилиб, мутахассислар орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, йиғилишларда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва соғлиқни сақлаш бошқармалари тасарруфидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида доимий фаолиятдаги ҳайъатнинг Низомига асосан дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий асбоб-ускуналарни сотиб олиш, тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланишни назорат қилиш бўйича семинар ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Ушбу суҳбатимиз орқали доимий фаолиятдаги ҳайъатнинг ўтказётган тадбирлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтдик. Демак, тизимнинг самарали ишлаши, йўналтирилган маблағдан ўз ўрнида, мақсадли фойдаланиш ўзинизга боғлиқ. Газетамизнинг келгуси сонларида мазкур мавзунинг турли йўналишларида ёритиб борамиз.

Намоз ТОЛИПОВ.

Съезд

ПСИХИАТРИЯ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини сақлашдаги катта йўналишлардан бири руҳий касалликларнинг олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ва беморларга тиббий-ижтимоий жиҳатдан кўмаклашиш бўлиб, истиқлол йилларида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий хавфи юқори бўлгани учун ҳам оила қуриш остонасида турган ёшлар ўз тураржойларидаги руҳий касалликлар диспансерида ҳисобда турмаслиги ҳақидаги маълумотномани тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига тақдим этиши талаб қилинади. Ёки бўлмаса, руҳий касалликнинг қайсидир турига чалинган ёшларга саломатлигини тиклаш бўйича маслаҳат берилади.



Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган Ўзбекистон психиатрларининг 1-съездида ижтимоий касалликларнинг олдини олиш, даволаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. 2013 йил 25 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида психиатрия хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 207-сонли қарорининг қабул қилиниши тизимда катта бурилиш ясади. Қарор ижросини таъминлаш бўйича барча вилоят ва туманлардаги руҳий касалликлар диспансерлари, қишлоқ

врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда умумий амалиёт шифокорлари, тор доирадаги мутахассислар томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Даволаш муассасалари ишини янада такомиллаштириш, жойлардаги психиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини юксалтириш масалалари съезд иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида юртимиздаги мавжуд психиатрия муассасаларида Инвестиция дастури асосида капитал таъмирлаш жараёни амалга оширилгани, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан

таъминлангани, кадрлар таъминоти яхшиланганлиги, шифокор ва бемор ўртасида деонтологик муносабатларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётганини кузатишимиз қийин эмас. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат миқёсида қўйилаётган муҳим ва устувор вазифалар ижросини таъминлашга катта аҳамият берилётгани диққатга моликдир. Вазирлик томонидан руҳий касалликларни даволаш бўйича қабул қилинган алоҳида буйруқ соҳа мутахассислари олдида янада муҳим вазифаларни қўяди. Руҳий касалликка чалинган беморга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш, унинг ўз саломатлигини тиклаб, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш тиббиёт ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа бўлиб қолиши керак.

Республика руҳий касалликлар клиник шифохонасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 207-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу даволаш маскани 2014 йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, янгича қиёфага кирганлиги ва йиллар мобайнида беморларни даволаш бўйича бой тажриба тўпланганлиги, мутахассисларнинг бу ердан иш ўрганиб кетаётганлиги ижобий ҳодисадир.

Съездда маъруза қилган етук мутахассислар 2013 йил 25 июлда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати фаолиятини янада такомиллаш-



тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 207-сонли қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлганини таъкидладилар. Қарорнинг иккинчи бандида 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати янада ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, даволаш муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шу билан бирга, уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўрсатиб ўтилган эди. Қарор ижроси бўйича кўплаб даволаш муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Психиатрия хизмати мутахассисларининг вақти-вақти билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошидаги психиатрия кафедрасида ўз назарий ва амалий билимларини янада бойитиб боришлари учун

кенг имкониятлар яратилган. Табиийки, руҳий касалликлар шифокори биринчи навбатда хушмуомала бўлиши, бемор билан мулоқотда унинг кўнглига йўл топиши, сабр-тоқат ботида бошқа мутахассислардан анча устун туриши керак. Кафедра профессор-ўқитувчилари ўқув жараёнида худди шу жиҳатларга эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон психиатрларининг 1-съезди иштирокчилари соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта йўналиш ҳисобланган руҳий касалликка чалинган беморларни аниқлаш, таххис қўйиш, соғлигини тиклаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини йўлга қўйиш каби масалаларда фикр алмашдилар.

**Ўз мухбиримиз.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Ижтимоий ҳимоя

НОГИРОНЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси томонидан “Фуқароларни ТМЭКларда тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида ногиронлик белгиланган шахсларга тавсия этилган реабилитациянинг яқка тартибдаги дастурини самарали амалга оширишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш чоралари” мавзусида ўқув-услубий семинар ўтказилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Врачлик-меҳнат экспертиза” кафедраси, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят тиббий-маслаҳат комиссиялари бўйича масъул ходимлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши вакиллари иштирок этиб, кун тартибига қўйилган масалани атрофлича муҳокама қилдилар.

Семинарни очиб берган республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи Д. Султонов Президентимизнинг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010

йил 23 декабрдаги “Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг ҳамда “Кексаларни ёзозлаш йили” Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди.

Инспекция бошлиғи ўринбосари У. Назарматов, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти доценти А. Турдиев, инспекция бўлим бошлиғи А. Нарзуллаев, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ТМЭ мутахассиси М. Сакаева, ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази 2-худуди масъул ходими Д. Рўзиев ва бошқалар ногиронликнинг олдини олиш, уларга тиббий-ижтимоий жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатишни янада кучайтириш, ана шу мақсад учун сарфланаётган давлат маблағларини тўғри йўналтириш, ҳомийлик ёрдамларини кўпайтириш юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бош, ихтисослаштирилган, туман (шаҳар) ва туманлараро ТМЭК раислари, ногиронларга реабилитациянинг яқка тартибдаги Дастурини (РЯТД) расмийлаштириш ва тавсиялар ижросини таъминлашдаги тартиб-қоидалар хусусида фикрлашдилар. Ногирон шахс касбга (ўқишга) йўлланма олиши, протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланиши керак. Ваҳоланки, ногирон шахсларга реабилитация техник воситаларини олиш учун тиббий хулоса, реабилитация марказида даволаниши учун йўлланма берилиши амалдаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Фақат бандликка кўмаклашиш маркази, даволаш-профилактика муассасалари, корхона ва ташкилотлар қонун доирасида иш кўришлари мақсадга мувофиқдир.

Семинар кун тартибига киритилган ушбу масала давлат аҳамиятига эга бўлиб, алоҳида ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган шахсларни ҳар томонлама қўл-

лаб-қувватлаш, унинг жамиятга мослашувини таъминлаш кераклиги хусусида барча мутахассисларни яна бир қарра огоҳ этди. Ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, бу борарадаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил қилиш таклифи билдирилди. Иштирокчиларнинг барча фикр-мулоҳазалари умумлаштирилиб, ишчи гуруҳи аъзолари олдида Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан йўл қўйилаётган хато-камчиликларни тугатиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўринли ўзгартириш киритиш, РЯТДнинг ягона шакли ва уни расмийлаштириш

қоидаларини ишлаб чиқиш, ногироннинг касаллиги сабаби, ёши, касби, ўзига хошлигига аҳамият бериш кераклиги қайд қилинди. Ногиронларга касбий ва меҳнат тавсиялари берилётганида, унинг меҳнатга лаёқатлилигини ҳисобга олиб тавсия ишлаб чиқиш, тегишли касбий ва ижтимоий омилларни тўғри баҳолаш, реабилитация дастурининг бажарилишида мониторинг кузатувини йўлга қўйиш, яъни РЯТД дастурига киритилган тадбирларнинг бажарилган-ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат ўрнатиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ривожланган давлатларда имконияти чекланган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тажрибаси қандай, бу масала ҳам муҳим. Семинар иштирокчилари халқаро тажрибаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш ногиронларни реабилитация қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидлаган ҳолда, мутахассисларнинг хорижий давлатларга хизмат сафарини уюштириш бу тизимга катта янгилıklar жорий этилишига пойдевор бўлишини таъкидладилар.

**Анвар САИДОВ,
Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси мутахассиси.**

Конференция

НА ПУТИ РАЗВИТИЯ
НЕВРОЛОГИИ УЗБЕКИСТАНА

Неврология, являясь одним из широких разделов медицины, занимается заболеваниями центральной и периферической нервной систем. К тому же она изучает причины возникновения различных болезней, их симптомы, методы лечения, а также профилактику. Как известно, стремительный темп жизни, ухудшение экологии, малоподвижная работа, стрессовые ситуации и несбалансированное питание способствуют возникновению хронических болезней, порой, в результате которых и возникают заболевания, связанные с нервной системой человека. На сегодняшний день в силу развития медицины, как и во всем мире, так и в нашей республике разрабатываются новые методы диагностики, лечения и профилактики данных заболеваний.

26 мая текущего года в Ташкенте по инициативе Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, Общественного объединения неврологов Узбекистана и Ташкентского педиатрического медицинского института прошла **Республиканская научно-практическая конференция с международным участием на тему "Диагностика и лечение заболеваний нервной системы у взрослых и у детей в современной медицине"**. Мероприятие открыл первый заместитель министра Здравоохранения Республики Узбекистан Асилбек Худаяров. Как известно, на сегодняшний день неврология занимает одно из ведущих мест в медицине, потому что все чаще мы

прежде всего, в развернутых по всему Узбекистану Центрах экстренной медицины и неотложной помощи больным с острой неврологической патологией, и



Анатолий ФЕДИН,
профессор,
заведующий кафедрой
неврологии Российского
Государственного
медицинского университета
имени Н. И. Пирогова:

— Уже на протяжении нескольких лет я участвую в данной конференции. Из года в год меня радует содержание докладов, аудитория, состоящая как из ведущих специалистов, так и молодых врачей. Глядя на стремление ваших молодых специалистов познать все новые горизонты науки, беседуя с ними на тему сегодняшней конференции, радуешься тому, что ваша страна богата преданными своей профессией, умными и талантливыми молодыми людьми. Школа неврологов вашей страны является очень сильной, и конечно, это позволяет успешно развивать исследовательскую работу, а в дальнейшем внедрять ее в практическое здравоохранение.

Проведение данного рода мероприятий является для нас очень актуальным событием, поскольку мы получаем много новой информации, обмениваемся опытом, вместе решаем задачи по диагностике и лечению заболеваний в неврологии. Как было упомянуто в ходе конференции, современная помощь неврологическим больным должна оказываться уже с первых часов. Своевременно оказанная диагностика и терапия, ранняя реабилитация позволит нам снизить летальность и инвалидность. Отрадно отметить, что неврология как и в России, так и в Узбекистане развивается очень стремительно. Внедрение новых методов лечения в медицинскую практику, постоянное повышение кадрового потенциала, проведение обмена опытом между нашими специалистами, активное использование дистанционных лекций, помогают нам сплотить силы воедино, лечить неврологические болезни и, конечно



же, проводить мероприятия по профилактике.

Подводя итог вышесказанному, хотелось бы поблагодарить моих узбекских коллег за организацию подобного мероприятия и пожелать им здоровья, успехов в дальнейших делах, а всему народу Узбекистана процветания.

Ёкутхон МАДЖИДОВА,
первый заместитель
председателя Ассоциации
неврологов Узбекистана,
заведующая кафедрой
детской неврологии и
медицинской генетики
Ташкентского
педиатрического
медицинского института:

— Научно-практическая конференция с международным участием, проводимая сегодня в Ташкенте является значимым, с точки зрения науки и практики, событием в здравоохранении страны. Ведь как отмечается, численность болезней центральной и периферической нервной систем, к сожалению, увеличивается. Время не стоит на месте. Дабы успеть осуществить все намеченное, мы порой не обращаем внимание на свое здоровье. Частые стрессовые ситуации, неправильное питание, пристрастие к вредным привычкам, все это отражается на нашем здоровье.

Говоря о клинической неврологии сегодня, нужно учитывать и аспекты неврологии детского и пожилого возраста. На эти возрастные периоды приходится более половины неврологических заболеваний. Здесь интересы невролога уже сопрягаются с работой педиатра и геронтолога.

Как известно, инсульт является одной из часто упоминаемых болезней. На сегодняшней конференции сделан акцент на проблему ишемического и геморрагического инсульта, методы современной диагностики, лечения и ранней реабилитации. Хочу особо отметить тот факт, что благодаря развитию службы экстренной медицинской помощи, на сегодняшний день больным инсультом, а также при других формах острых нарушений мозгового кровообращения занимаются и неврологи, и нейрохирурги, ангиохирурги, рентгено-радиологи и кардиологи.

Из докладов наших участников мы можем узнать, что помимо инсульта, неврологи в своей практике часто встречаются с эпилепсией. К сожалению, данная проблема наиболее часто встречается в раннем возрасте, то есть у маленьких детей. И здесь хотелось бы обратиться к родите-

лям, чтобы они более трепетно заботились о здоровье детей. Ведь чем раньше начнется лечение, тем лучшего эффекта мы можем достичь.

Для оказания качественной медицинской помощи пациенту от специалиста требуется иметь обширный круг знаний и умение их внедрить в практику. Если мы говорим о подготовке кадров, то на сегодняшний день в нашей республике ведут свою деятельность более чем 1500 неврологов, многие из которых защитили диссертации и на сегодняшний день принимают активное участие в лечении больных. Вот уже на протяжении нескольких лет наши специалисты принимают участие в качестве докладчиков на крупных международных форумах, и их труды признаются нашими зарубежными коллегами.


В конце своей речи хочу поблагодарить всех участников сегодняшней конференции за их активное участие и пожелать им больших профессиональных успехов.

Муяссар ЖАЛИЛОВА,
врач-невролог центральной
поликлиники
Яшнабадского района
г.Ташкента:

— Участие в конференции неврологов Узбекистана дает нам возможность узнать подробнее о новинках мировой и отечественной медицины. На сегодняшний день идет бурное развитие неврологии Узбекистана. В практику внедряются все новые методы по лечению и реабилитации больных, используются новые методы медикаментозного лечения больных. Благодаря руководству страны все медицинские учреждения оснащаются современной аппаратурой, проводится частичный и капитальный ремонт учреждений здравоохранения.

Замечу, что проведение такого рода конференций это важное событие для нас, поскольку мы непосредственно работаем с пациентами. Как специалисты, ответственные за их здоровье мы обязаны делиться всеми знаниями, полученными здесь. И радует то, что на сегодняшний день к нам приходит все больше людей, которые знают о важности ведения здорового образа жизни, о профилактике заболеваний. А это важно как для нас, так и для самих пациентов.

Ирода ИЛЬХАМОВА.
Фото Анвара
САМАТХОДЖАЕВА.



слышим о болезнях, связанных с патологиями центральной и периферической нервной систем. И главной целью неврологов – медиков, ведущих свою деятельность в данной сфере, является своевременная диагностика и оказание качественной медицинской помощи пациенту.

По словам **Председателя Ассоциации неврологов Узбекистана, главного невролога Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, профессора Бахтияра Гафурова**, болезни нервной системы и органов чувств на протяжении последних лет стабильно составляют 8,5-9 % от общей заболеваемости населения и занимают по численности третье место после болезней органов дыхания и пищеварения. Многие тяжелые неврологические болезни характеризуются высокой летальностью и стойкой инвалидизацией. Согласно статистическим данным ВОЗ, почти 25% заболеваний человека – неврологическая патология, а в 15% случаев неврологическое заболевание служит главной причиной инвалидности.

Следует особо отметить, что в течение последних лет произошло стремительное развитие клинической неврологии в нашей стране. Это отражается,

в первую очередь с мозговым инсультом. Поскольку проблема мозговых инсультов считается актуальной во всем мире, сегодня, и у нас в стране совершенствуются методы своевременной диагностики и лечения данного заболевания. По результатам наших исследований при условии ранней госпитализации и раннего начала лечебных мероприятий - это первые 3-6 часы от момента наступления инсульта, прогноз в плане сохранения больного и в отношении последующей инвалидизации – почти втрое лучше, чем при госпитализации в более поздние сроки. И в настоящее время в целях расширения уровня знаний врачей, формируется новая врачебная специализация – врач-инсультолог, специалист обладающий комплексными знаниями, опытом и практическими навыками в неврологии, реаниматологии, терапии, кардиологии, клинической фармакологии. В течение последних 2-х лет кафедрой неврологии ТашИУВ совместно с ведущими специалистами РНЦЭМП регулярно проводятся учебные циклы "Клиническая инсультология", которые очень популярны среди врачей.

Еще одним наиболее важным моментом является приближение неврологии к общеврачебной практике. Для этого, по инициативе Министерства здравоохранения

Конкурс

ИСКУССТВО ПЕРВОЙ ПОМОЩИ

Вовремя протянутая рука помощи способна спасти жизнь. Вот почему для медицинской сестры, часто оказывающейся в не требующих промедления ситуациях, важно владеть глубокими и всесторонними знаниями в области врачебной науки. Прошедший в столице городской этап Республиканского конкурса "Хамшира-2015" вновь помог выявить мастеров своего дела. Традиционно организуемый в рамках празднования Международного дня медицинской сестры, конкурс год за годом расширяет свою географию, привлекая все большее число молодых специалистов первичного звена здравоохранения.

Проводимые в нашей республике реформы здравоохранения открывают перед медицинскими сестрами новые горизонты в профессиональном росте, значительно расширяя поле деятельности и придавая их работе высокий статус. Сегодня медицинская сестра не только выполняет процедуры согласно назначению лечащего врача. Она уже сама может следить за пациентами, выявлять те или иные заболевания на ранних стадиях, проводить профилактическую работу среди населения и, даже защищать ученую степень в высшем учебном заведении.

В этом году конкурс на лучшую медсестру проходит в рамках Государственной программы "Года внимания и заботы о старшем поколении", а также Постановления Президента №2221 от 1 августа 2014 года "О Государственной программе по дальнейшему укреплению репродуктивного здоровья населения, охране здоровья матерей, детей и подростков в Узбекистане на период 2014-2018 годы".

В свете тех преобразований, которые проводятся на сегодняшний день в системе здравоохранения, роль медицинской сестры неоспорима, — говорит главный специалист отдела стационарной помощи Главного управления Министерства здравоохранения республики Гульчехра Исмаилова. — Медицинская сестра является

надежной опорой и огромной движущей силой в выполнении поставленных задач. Конкурс позволяет медицинским сестрам из разных лечебных учреждений всех регионов страны ближе познакомиться друг с другом и обменяться опытом работы. Благодаря этому конкурсу выявляются лучшие достойные кадры, владеющие высокими профессиональными знаниями и навыками, обладающие всесторонним широким кругозором и интеллектом. В сегодняшнем конкурсе участвуют 11 медицинских сестер, которые вышли на городской этап. Всего же по республике планируется определить 14 победителей. Надеемся, что эти места займут достойные участники. Ведь их знания и умения оценивает профессиональное жюри из числа специалистов Министерства здравоохранения, Общественного движения молодежи "Камолот", деятели культуры и искусства. Конкурс состоит из нескольких туров. Сюда входит демонстрация практических навыков, теоретические знания не только в области медицины, но и истории, культуры. Кроме того, наши молодые участницы (их возраст по условиям конкурса не должен превышать 30-ти лет) демонстрируют свои творческие способности. Кто-то из них выступает с чтением стихотворений, либо исполняют понравившуюся песню, танец.

В конкурсе я принимаю участие первый раз, — поделилась с нами одна из победительниц городского этапа конкурса "Хамшира-2015", обладательница третьего места Камила Ахмедвалиева. — Для меня это бесценный опыт общения с коллегами, возможность поделиться накопленными за 10 лет знаниями и навыками. С детства мечтала стать врачом. Правда, в вуз поступить не получилось, но я все равно не оставила свою мечту и поступила в Сергелийский медицинский колледж. После его окончания устроилась в 5-ю инфекционную больницу Чиланзарского района Ташкента, где и работаю сегодня.

Мне очень нравится общаться с детьми (я — процедурная медсестра детского отделения больницы), видеть, как они поправляются благодаря твоим стараниям и стараниям врачей. Ощущаешь, что твой труд не напрасен, и ты можешь помочь людям. Для меня это очень важно.

Свои навыки я продемонстрировала в 7-й городской больнице, где проходил один из туров конкурса по оказанию первой медицинской помощи. Для меня было интересным участие в конкурсе, где я попробовала себя в новой для меня роли — танцовщицы. К испанскому танцу, который я исполнила на сцене Узбекского Национального академического драматического театра, готовилась под руководством актрисы Узбекского государственного музыкального театра имени Мукуми и балетмейстера Окилы Гуломовой.

Впереди участниц конкурса "Хамшира-2015" ждет последний этап конкурса, где будут определены победители по республике. Хочется верить, что ими станут лучшие из лучших.

Оксана КАДЫШЕВА.
Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.



Бағишлов

СИЗНИНГ ДИЛИНГИЗДА КҮЁШНИ КҮРДИМ

Халқ эътиборидаги тажрибали шифокор Сабоҳат Собировнага



Элнинг дуосини олиб, қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам бўлаётган тажрибали шифокор Сабоҳат Собировна мана кўп йилдирки, пойтахтимиз аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келади. У Олмазор тумани марказий поликлиникасида бош шифокор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Олам юрагида муҳаббат яшар,
Ва яна яшайди меҳру оқибат.
Сизнинг дилингизда кўёшни кўриб
Жуда ҳам қувондим, синглим Сабоҳат.

Сиз каби аёллар дунёни безар,
Синган кўнгилларни ямайди моҳир.
Шу сеҳрни туйиб Зухрода балким,
Жону жаҳонини бахш этган Тоҳир.

Тонгдан нусха олган кўнглингиз оппоқ,
Жилмайиб боқасиз дунёи дунга.
Бемор юрагида умид уйғотиб,
Шодлик бахш этасиз ҳар битта кунга.

Сиздан топдим Сино марҳаматини,
Кўзингизда меҳр порлаб турган чоғ.
Лутфу карамингиз ёғдуси билан,
Ювилиб кетади руҳдан барча доғ.

Умрингиз ёритиб Ҳақ дуосида,
Хаста орзуларга бағишлайсиз жон.
Тилагим дунёнинг барча омади,
Ва бор эзгулиги бўлсин сиз томон.

Абдуғани бемор эди, тузалди,
Ширин сўзингизнинг шафоатидан.
Ҳаёт сабоқ олса жуда арзийди.
Меҳрибон шифокор Сабоҳатидан.

Абдуғани СУЛАЙМОН.

Дастур ижроси амалда

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ
ТАЪМИНЛАНАДИ

Юртимизда кадрлар тайёрлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган экан, бу йўлда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, айниқса ёшларни касбга тайёрлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Хусусан, Навоий тиббиёт коллежида ҳам

мазкур йўналишдаги ишлар самарали йўлга қўйилган. Бугунги кунда коллежда ҳамширалик иши, даволаш иши, фармацевтика, лаборатория диагностикаси каби йўналишларда кичик мутахассислар тайёрланмоқда. 1 минг 405 нафар ўқувчи таҳсил олаётган маскан замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер технологиялари билан таъминланган. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаси пухта таълим ва самарали амалиёт уйғунлигида мустақамланмоқда.

— Жорий ўқув йилида коллежни тамомлайдиган 464 нафар ўқувчининг бандлигини таъминлаш юзасидан ҳудуддаги тиббиёт муассасалари билан шартнома тузилмоқда. Ташкилотлар билан ҳамкорлик туфайли жорий йилда кўплаб ўқувчиларимиз доимий иш билан банд бўлиши режалаштирилган, — дейди коллеж директори вазифасини вақтинча бажарувчи Неъмат Сувонов.

31 май – Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни

ЧЕКМАНГ, УЗОҚ УМР КЎРАСИЗ

Ҳаётий воқеа: сўнги пушаймон

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида нафас йўллари шамоллаган беморлар орасида 15 ёшидан бошлаб қўлига сигарета ушлаган ва қизиқш учун чекиб кўриб, бора-бора кашандалар қаторига қўшилган бемор ҳам даволанмоқда. Озиб, танасидан мадори кетган бу кишининг кўрак қафаси флюорографик текширувдан ўтказилганида, ўпка саратони бошлангани аниқланди. Аммо шифокорлик деонтологиясига кўра, бемордан бу ҳолат сир тутилди.

– Чекишни ташлашнинг лозим. Ҳали 60 га ҳам бормагансиз, агар иродангизни ишга солиб, бу одатдан қутулсангиз, ҳар қалай умрингизга умр қўшилиди. Бу оилавий бюджетингизга ҳам фойда.

– Қайдам, бунга иродам етармикан? Ташлашга жуда кўп мартаба уриниб кўрдим, аммо эллолмадим, хумори тутаверади, – дея афсусланганнамо сўзлайди бемор.

Даволовчи шифокор унинг саргайган ва ҳорғин чеҳрасига боқар экан, афсус билан бошини чайқади. Бу одам чекишни ташлаган тақдирда ҳам узоқ яшамаслигини кўнгли сезиб турса-да, унинг руҳини чўктиргиси келмай:

– Майли, ўзингиз биласиз, биз қўллаётган муолажа усуллари наф бершини истаймиз, – деб қўя қолди ва секингина чиқиб кетди.

Кашанда ўйга толди, қанийди ҳаммасини бошқадан бошлашнинг имкони бўлса. Болалик дамлари қайтиб келса, озгига бу захри қотилни умуман олмаган бўларди. Афсус, ўсмирлик даврида кузатиладиган оддийгина қизиқининг қурбони бўлиш етти ухлаб тушига кирибдими? Мана, ёши 54 га ҳам етди. Чекмайдиган дўст-биродарлари билан кўпинча ўзини солиштиради. Барваста, соғлом, топган-тутгани билан рўзгорини обод қилишади. У эса... қўлига пул туши дегунча, сигарета сотиб олади. Эрталабдан кечгача бир пачкани кўрдим демасдан чекади. Хотини: “Эғни-бошингизга сигарета ҳиди ўтириб қолган, шу даражада ҳам чекасизми?” деб зорлангани зорланган. Қанийди, шу зорландани улоқтириб ташлай олса, ич-

ичидан истайди буни, аммо организми шу балони талаб қилаверса, бошини қайси деворга урсин, кимдан нажот истасин?

Чекувчи бошини қўллари билан чангаллади, кўрак қафасида безовталиқ бошланиб, “кув-кув” йўталди. Кўз олди тиниб, чуқур уҳ тортиб, кўзларини юмди. Қани эди, болалик дамлари қайтиб келса...

Умрни қисқартирувчи зарарли одат

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари томонидан дунё аҳолисига узоқ умр кўришга шарт-шароит яратувчи кўплаб омиллар тақлиф қилинган. Шундан энг муҳими – зарарли одатлар – алкоғолли ичимлик ва сигарета, нос, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмасликдир. Таққиланган нарасага қизиқш билан қараш инсониятга хос яшаш тарзи бўлгани учунми ёки ирода-сизликми, шунчаки татиб кўришми, одамни кашандаликка олиб келадиган ҳолат барибир қайд қилинади. “Нега чекасиз?” деган саволга аксарият чекувчилар: “Сиқилмаслик, ўзимни енгил ҳис қилишим учун” дея жавоб беришади. Айнан шу жавоб чекувчиларнинг бу масалада тор фикрлашини, ўз соғлиқларига эътиборсизлигини кўрсатмайдими? Модомики, чекувчилар ер юзидан барибир учраётган экан, унинг тарқалиш хавфи ва келтирадиган зарари ҳақида бонг уришимиз керак. Инсоният ҳаётига хавф солаётган, унинг умрини узайтиришга эмас, қисқартиришга сабаб бўлаётган омиллар орасида кашандалик алоҳида ўрин эгаллайди. Бу зарарли одат ҳақида қанчалик кўп гапирилмасин, тадқиқотлар олиб борилмасин, дунё микёсида кашандалик қанчадан-қанча кишиларнинг умрига зомин бўлмоқда.

– Тадқиқотларда кўрсатилишича, сигарета таркибида 20 дан ортиқ захарли модда бўлиб, никотиннинг организмга кўрсатадиган салбий таъсирини фақат чекишдан воз кечибгина йўқотиш мумкин. Никотин туни таркибида олтингургурт, аммиак, азот, ис газини, турли эфир мойлари, сирка ва вале-риана кислоталари борлиги исботланган. Бу модда 35 турдан ортиқ касалликни келтириб чиқаради. Тамаки чекканда, никотин тугун орқали одамнинг ўпкасига, сўнгра қонига сўрилиб, юрак қон-томир системасига акс таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида қон томирлари торайиб,

босим ошади. Юрак уриши тезлашиб, юрак мускуллари издан чиқа бошлади. Устма-уст такрорланавергач, бу ҳолат бора-бора юрак ва миокард инфаркти каби касалликлар келиб чиқиши учун шарт-шароит туғдиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, чекмайдиганларга нисбатан кашандаларда 12 марта кўпроқ юрак қон-томир хасталиклари учрайди. Сил касаллигига учраган беморларнинг 95 фоизи кашанда эканлиги аниқланган. Кашандаларни қийновчи йўтал таъсирида ўпка эмфиземаси (ўпка кенгайиши ва шикастланиши натижасида ўпка альвеоллари тўқимаси ичида захарли газ юзага келиши) кузатилади. Бу дардга чалинганларнинг 80 фоизини чекувчилар ташкил қилади, – дея бу ҳақда маълумот беради тиббиёт фанлари доктори, профессор Сайфиддин Йўлдошев.

Интернет сайтларидаги маълумотларга кўра: немиш тадқиқотчилари чекишнинг беҳисоб салбий оқибатлари қаторига яна иккитасини қўшиш тақлифини билдирдилар. 1000 нафар чекувчи ўртасида ўтказилган текширув 17 фоиз кашанда меъёрдагига нисбатан кам ухлаши, 28 фоизи эса тунда яхши ухломаслигини исботлади.

Америкалик олимларнинг янги изланишлари тамакидан энг кўп зарар кўрувчилар устида олиб борилди. Ўтказилган кузатувлар шуни кўрсатдики, чекиш климат давридаги аёлларнинг тишлари учун ўта зарарли экан. Тадқиқот муаллифлари – Буффало университетини олимлари мингдан ортиқ аёлларнинг оғиз бўшлигини текшириб, тамакининг энг кучли зарари 45 ёшдан катта аёлларда яққол намён бўлишини аниқлашди. 26 ёшидан бошлаб узлуксиз тамаки чеккан аёлларда тиш чириши, тушиши ва милк касалликлари бир неча баробар кўп кузатилади. Чунки аёллардаги климат даврида организм нафақат заифлашади, балки улар зарарли одатларга нисбатан ҳам мойил бўлиб қолади.

Изланувчилар аниқ рақамларга эга бўлиш учун 1992 йилдан буён тадқиқот олиб боришмоқда. Ўтказилган кузатувларда жами 440 минг нафар одам иштирок этган бўлиб, қатнашувчиларнинг асосий қисми Дания, Буюк Британия, Франция, Гер-



мания, Италия, Греция, Нидерландия, Норвегия, Испания ва Швеция фуқаролари эди. Тадқиқот бошланган вақтда улардан бирортасида ҳам саратон белгилари топилмаган. Аммо орадан 10 йил ўтган, иштирокчиларнинг 14 минг 563 нафаридан турли кўринишдаги саратон аниқланди. Масалан, тўғри ва йўғон ичак ҳамда ўпка саратони энг кўп учраган бўлса, ундан кейинги ўринда сийдик чиқариш каналларидаги ўсма туради.

Кашандаликнинг келтирадиган зарарлари

Тамаки бош мия ҳужайраларини пассивлаштиради. Чекувчида уйқусизлик, бош оғриғи кузатилади. Оқибатда эса марказий асаб системаси фаолияти бузилади. Кўп чекадиган киши тез-тез балғам ташлайди. Тез юрса, жисмоний меҳнат қилса, хансиранишга гувоҳ бўласиз. Айрим ҳолларда кўп тамаки истеъмол қилиш чекувчини руҳий хасталикларга ҳам дучор этиши мумкин.

Чекиш нафас олиш системасини ишдан чиқаради. Сигарета таркибидаги захарли сақич моддалари турли хил ўпка хасталиклари – бронхит, сил, саратон касалликларига олиб келиши кузатилади.

Овқат ҳазм қилиш органларига кўрсатадиган таъсир: оғизда бемаза таъм пайдо бўлади, сўлак безлари фаолияти издан чиқади. Сўлак билан ошқозонга тушган никотин кислотаси унинг деворларини зарарлайди, жигилдон қайнайди-ган бўлиб қолади. Меъда керагидан ортиқ шира ишлаб чиқаради. Бу эса меъда, ўн икки бармоқ ичак яраси каби касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Наслга таъсир кўрсатади: ҳа, ҳомилдорлик даврида чеккан аёл бу захарли моддани йўлдош орқали туғилажак боласига ўтказиши. Боланинг ақлий лаёқати паст, асабий, диққат-

этиборини жамлай олмайди, беқарор. Тиббиётда кашанда ота-онанинг боласи туғилмасданок нобуд бўлиши, туғилганда ҳам нимжон, касалманд бўлиб ўсишига ҳаётий мисоллар жуда кўп.

Юртимизда...

Ҳа, чекиш, ичиш каби зарарли одатлар инсон умрини қисқартиришини, оила фаровонлигига тўсиқ бўлишини, инсоннинг меҳнат қобилиятини суайтирувчи омил эканлигини халқимиз жуда теран англайди. Шу боис, зарарли одатларни турмуш тарзимиздан сиқиб чиқариш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ўсиб келаётган фарзандларимиз саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи иллатларни йўқотиш бўйича кўплаб қонунлар, қарор ва фармойишлар, йўриқномалар қабул қилинган ва амалиётга жорий этилган. 2011 йил қабул қилинган “Алкоғол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу жараённи тартибга солишдаги бош ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Ушбу Қонун ижросини таъминлашга маҳаллий бошқарув идоралари, даволаш муассасалари, кенг жамоатчилик томонидан эътибор қаратилмоқда. Ташкилот, корхона, муассасаларда чекувчилар учун алоҳида фойе ажратилган. “Чекиш мумкин эмас” ёзуви кўрсатилган жойда тинчлик, осойишталик сақланади. Узлуксиз таълим муассасаларида кашандаликнинг олдини олишга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Айниқса, 31 май – Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни муносабати билан тиббиёт ходимлари аҳоли ўртасида кенг қамровли тадбирларни ташкил қилиб, ёшларни огоҳликка чорлашади.

Хулқар КУЗМЕТАОВА.

Благодарность

ВETERАНЫ И МЕДИЦИНА

За горизонтом появляются первые лучи солнца, наступает новый день. Природа и весь наш необъятный край постепенно пробуждается ото сна. Дуновение легкого весеннего ветерка вселяет в тебя новые силы, подзаряжает на весь день. И хочется жить, работать, творить. Видеть голубое небо над головой, радоваться миру и благополучию в семье, слышать громкий, веселый смех детшек. Что может быть дороже на земле. Тем более когда ты прошел суровые годы Второй Мировой войны, видел горькие слезы стариков, женщин, детей, которые ждали своих детей, мужей и отцов с фронта.

Вспоминая те холодные 1941-1945 годы, на глаза наворачиваются слезы, сердце невольно сжимается и становится тяжело дышать. Но когда оглядываешься по сторонам, и видишь нынешнюю спокойную жизнь, наш процветающий Узбекистан, с уст слетают слова искренней благодарности. Прогуливаясь по улицам, площадям и скверам, восхищаешься яркими красками нового неповторимого облика Ташкента.

Постоянная забота нашего Государства о людях находит свое отражение во всех изменениях, происходящих в различных отраслях: строительстве, промышленности, сельском хозяйстве, культуре, медицине, образовании и т.д. Стоит особо подчеркнуть, что в этом году, объявленном в нашей стране “Годом внимания и заботы о старшем поколении” осуществляются большие масштабные работы по охране здоровья старшего поколения, проводятся акции, направленные на организацию углубленного медицинского осмотра ветеранов войны и труда, с привлечением крупных специалистов – докторов наук и врачей высшей категории.

Так и в 1-й семейной поликлинике Мирабадского района проведен медицинский углубленный патронаж, амбулаторный и стационарный осмотр людей, пожилого возраста. Большой коллектив данного меди-

цинского учреждения во главе с главным врачом – Наргизой Халмухамедовой и ее заместителем Луизой Чен с высоким профессионализмом и отдачей трудятся для здоровья пациентов. Они всегда с большим уважением и радостью встречают нас – ветеранов, проводят диагностику и качественное лечение, но больший упор они делают на профилактику болезней, объясняя, что наше здоровье в наших собственных руках. Благодаря заботе государства качество оказанных медицинских услуг поднялось на высокий уровень, нынешняя медицина отвечает всем требованиям времени.

С особой признательностью хотелось бы отметить труд врачей Е. Климовой, Г. Эшматовой, З. Умаровой, М. Курбановой, У. Каландаровой Д. Рустамбековой, которые со всей ответственностью подходят к своему делу. Неоценимую меди-

цинскую помощь оказывают медсестры А. Бекмухамедова, Р. Джалилова, масажистка Ф. Махмудова.

Профессия врача считается одной из самых трудных и ответственных профессий. Ведь ее обладатели должны быть не только знатоками своего дела, они должны быть в центре внимания всех событий происходящих в медицине, и к тому же от них требуется найти тот путь к сердцу каждого пациента, чтобы поддержать его, вселить в него надежду. А это, согласитесь, очень трудно.

Сегодня, мы – ветераны от чистого сердца хотим поблагодарить наше государство за поддержку и уважение старшего поколения. Спасибо за голубое небо над головой, мир в стране. Всем коллективу 1-й семейной поликлиники, желаем здоровья и успехов в их работе.

**Ветераны II Мировой войны и труда
И. ЕНЕЛЕЕВ,
А. АНТОНОВ,
Н. ЮСУПОВ,
Л. САЛИМОВ.**



– Катта бўлсак, Ўзбекистон доврўгини дунёга ёямиз!

ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда “Умид ниҳоллари – 2015” спорт ўйинларининг финал босқичи ёшлик ва спорт байрами сифатида ўтказилмоқда



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинлари ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини омалаштириш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтириш, буюк аجدодларимизнинг мардлик ва жасурлик анъаналарини муносиб давом эттиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур тизимнинг илк бўғи-ёшлар иштирокини таъминлаш, соғлом турмуш тарзи тамойилларини ҳар томонлама тарғиб қилишдан иборат. Мусобақалар спортнинг ўн етти тури – бадий гимнастика, бадминтон, баскетбол, бокс, волейбол, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол теннис, сузиш, таэквондо, футбол, шахмат, эркин ва юнрон-рум кураши, қўл тўпи бўйича ўтказилди. Эътиборли жиҳати, мусобақада ўқувчилар асосан, Олимпиада дастуридан жой олган спорт турлари бўйи-



ни – “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларининг бу йилги финал босқичи ўзгача тарзда – ёшлик ва спорт байрами сифатида худудларда ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – ушбу спорт мусобақаларининг оммавийлигини янада ошириш, унда яна ҳам кўпроқ

ча ўз маҳоратини намойиш этди. Улар орасидан келажакда жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақа ва Олимпия ўйинларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқиши шубҳасиз.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси

Муҳаббат Салиховна УСМОНОВАНING

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ифтихор ва ғурур

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – ҲАМИША ОЛДИНДА

жаҳоннинг энг нуфузли ўқув даргоҳларида яратилган электрон дарсликлар билан танишиш, оламшумул янгиликлардан бохабар бўлиш имкони мавжуд. Бу эса ўқитувчи зиммасига улкан масъулият юклайди. Ана шу теран ҳақиқатни чуқур англаган лицей жамоаси доимо излашида. Ёшларни дарс машғулотларига қизиқтириш борасида лицей ўқитувчиларининг ташаббускорлиги, улар орасидаги соғлом рақобат муҳити, янгиликка интилувчанлик беқиёс аҳамият касб этмоқда. Яъни бугунги кунда таълим масканида фаолият юритаётган фан доктори, фан номзоди даражасидаги малакали устоз ва мураббийлар муаллифлигида ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликлар яратилмоқда.

Ўқув даргоҳида мавжуд имкониятлар самараси ўлароқ, жорий йилда ҳам икки нафар ўқувчи Ереван шаҳрида бўлиб ўтган 49-халқаро Менделеев олимпиадасида фаол қатнашиб, бронза медаллари ҳамда олимпиаданинг махсус дипломлари билан тақдирландилар.

– Олимпиада Ереваннинг М.Гераци номидаги тиббиёт институтида бўлиб ўтди, – дейди **Дилнора Юсупалиева**. – Беллашувнинг тантана-



ли очилишида институт ректори, профессор Микаел Нариманян, академик Валерий Лунин бизни жаҳонга машҳур буюк алломаларнинг авлоди, деб таништирди. Жуда ҳам фахрландик. Мана шу таърифнинг ўзи зиммамизда катта масъулият борлигини ҳар қадамда ёдимизга солиб турди. Уч босқичли беллашувда ўн учта мураккаб масаланинг ечимини топиш ва экспериментал шартларни бажариш

(Давоми. Боши 1-бетда).



талаб этилди. Астойдил ҳаракат қилганимиз боис, юқори балл тўплашга муваффақ бўлдик.

Дарҳақиқат, олимпиадада дунёнинг 15 мамлакатидан келган кучли билим соҳиблари билан тенгма-тенг беллашиш учун терма жамоамиз аъзолари астойдил ҳаракат қилишлари лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Буни олимпиадага тайёргарлик жараёнлари қизгин кечганлигидан ҳам англаш мумкин. Лицей ўқувчилари жорий йилги халқаро беллашувда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгач, уларга ўқув даргоҳининг малакали ўқитувчилари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги қатор илмий-текшириш институтларининг етакчи олимлари яқиндан кўмак беришди. Ёшлар Биокимё, Ўсимлик моддалари кимёси институтлари ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази лабораторияларида мураккаб тажрибалар ўтказишди.

Мусобақа доирасида иштирокчилар учун фойдали ва қизиқарли ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш мақсадида махсус маданий-маърифий дастур ишлаб чиқилди.

Бу йил квота бўйича юртимиздан ушбу олимпиадада 4 нафар лицей ўқувчиси иштирок этди ва уларнинг барчаси медаль билан тақдирланди. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчилари Фаррух Лутфуллаев ва Шоҳрух Шоанваров кумуш ва бронза медалини қўлга киритдилар. Шунингдек, Дилнора Юсупалиева ва Сарвар Шоюнусов бронза медаллари соҳибларига айланди.

49-халқаро Менделеев олимпиадаси совриндорлари юртимизда муносиб равишда, катта тантана билан кутиб олинди. Уларнинг барчаси тест синовларидан ўтмасдан, кимё асосий фан ҳисобланган мамлакатимиздаги исталган олий таълим муассасасига тўғридан-тўғри

ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шоҳрух Шоанваров ва Дилнора Юсупалиева 3-босқичда ўқиётганликлари сабабли бу ҳуқуқдан шу йиллик фойдаланишлари мумкин.

– Менделеев олимпиадаси ҳақиқий билим ва дўстлик байрамига айланиб кетди, – дейди **Сарвар Шоюнусов**. – Биз, Ўзбекистон ёшлари, таълим соҳасида яратилган кенг шарт-



шароитлар, ўз салоҳиятимизни намойиш этиш ва касб ўрганиш борасидаги имкониятлар учун мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовдан беҳад миннатдоримиз.

Мазкур олимпиада 2016 йилнинг апрель-май ойларида Туркменистон Республикасида бўлиб ўтади.

Ҳа, ёшларимиз ютуғи биз учун энг катта бахт. Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмики, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод вакиллариининг энг замонавий билим даргоҳларида таълим олиши, малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун беқиёс имкониятлар яратилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бизнинг фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмади ҳам!

Муҳаррам БОЗОРОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир **Асилбек ХУДАЯРОВ**
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6635 нусха.
Буюртма Г-558.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

